

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БЎШ ВАҚТ ВА СПОРТГА ЭЪТИБОР

Б. Ш. Мадаминов

*Педагогика фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети,
Наманган, Ўзбекистон*

Summary. The article discusses the issue of developing youth education through physical education and a healthy lifestyle as a result of educational reform. The idea of raising a young generation in the spirit of respect for traditions and values and the patriotic upbringing through sports is also proposed.

Keywords: healthy lifestyle; values; shaping; leisure; sports.

Жаҳон миқёсида “жисмоний маданият ва спорт” мавзуси орқали жамият аъзоларининг бўш вақти, турмуш тарзи, соғлиқ ва саломатлигини намоён этишининг бир белгиси сифатида қаралмоқда. Глобаллашган дунё манзарасида “миллий”, “диний”, “ирқий”, “гендер” тенгсизликлар мавжудлиги ижтимоий мазмун касб этиб, у замонавий ахборот жамиятидаги жараёнларнинг моҳияти, тенденциялари ва сабабларини жисмоний маданият ва спорт орқали ижобий томонга мустақамлаш, кишилиқ жамиятининг ижтимоий-руҳий кайфиятига бўлган салбий таъсирларни ушбу жараён орқали бартараф этишга бўлган объектив зарурат туфайли юзага келмоқда.

Дунёда жисмоний маданият масалалари ўрганилар экан, унинг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни психологик, социологик, антропологик, фалсафий ва маданий мазмунда илмий тадқиқотларнинг мавзуси бўлиб қолмоқда. Социологик адабиётларда “жисмоний маданият – бу жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида унинг умумий бир қисми бўлган маданий жараёнларида инсоннинг мақсадли жисмоний камол топишидаги рационал жараёндр”. Глобаллашув туфайли дунёда шаклланаётган замонавий қадриятлар жисмоний маданият ва спорт орқали бугунги давр ва инсоният орттирган ҳаётини тажриба ўртасидаги узвийликка асосланган инсонлараро муносабатлар динамикасини ўрганиш заруратини юзага келтирмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда “соғлом турмуш тарзи”, “соғлом авлод”, “соғлом миллат”, “жисмоний ва ижтимоий-руҳий спорт” тушунчаларига алоҳида илмий аниқлик киритилди. Ушбу жиҳатлар Ўзбекистонда юксак маънавиятли, маданий ва эстетик жиҳатларни ўзида тўлиқ жамлаган жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш омилларини шакллантирди.

Ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ишидаги ролини ошириш каби ислохотлар натижасида жисмоний маданият ва спорт орқали ватанпарварлик, миллий анъана ва

кадриятларга ҳурмат билан қарайдиган баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизими юзага келди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, катъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш» каби муҳим вазифалар белгиланган [1, б. 488]. Бу борада жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли кенг қатламини спорт билан шуғулланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этиш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонларидаги ютуқларини тарғиб қилиш ва унинг кенг эътироф этилишига қаратилган ягона давлат сиёсати жараёнларининг социал прогнозини амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Мураккаб муаммолардан бири сифатида қолаётган яна бир жараён – бу наркоманиядир. Наркомания, афсуски ижтимоий ҳаётда уни қабул қилувчилар учун ўта кучли стресс, депрессияларни олдини олувчи ва ҳузурбахш этувчи восита сифатида қабул қилинмоқда. Мамлакатимизда тамаки ва спиртли ичимликлар истеъмол қилишдан фарқли ўлароқ, наркомания тарихий аҳамият касб этмайди. Шундай бўлсада, бу хавф жамиятнинг турли табақалари, айниқса ёшлар орасида тарқалиб бормоқда. Санкт-Петербургдаги Социология Институтда Я. И. Глинский раҳбарлигида олиб борилган социологик тадқиқотлар натижалари, ҳар бир ҳудудда ўзига хос наркотик субмаданият шаклланганлигини изоҳини берган (наркотиклар тайёрлаш технологияси ва ундан фойдаланиш). Уни тарқатиш эса ҳамма жойда юздан ортиқ усул ва воситалар билан боғлиқ экан.

Ҳозирги вақтда дунёда наркотиклар билан муомала қилишнинг турли моделлари вужудга келмоқда. Хусусан ёшлар орасида «наркоман (банги) тасаввурлари» субмаданият сифатида шаклланиб қолди. Бу билан улар ўзларининг ҳаётда эришган ютуқлари, жинсий муаммолардан қочиш, коммуникацион ҳолатларни четлаб ўтиш ва ўзига хос «лаззатланиш» туйғуларини онларида шакллантириб бормоқдалар. Янги наркотик вазият, дейилади кўп мутахассислар томонидан, аҳамиятга эга ва мақсадга йўналтирилган турмуш тарзи сифатида қўлланиладиган бўлинди ва бу билан азалий анъаналарга қарши ўнги турмуш тарзи сифатида кўплаб жамиятларда ўз ўрнини эгаллади. Бу жараёнга кириб қолган тоифалар ичида ўзига тўқ ва бадавлат кишиларнинг ҳам борлиги, ҳамда уларнинг кўп ҳолатларда жавобгарликларни четлаб ўтиши ҳам бу жараённи кучайтириб юбормоқда.

Саломатлик масаласи ҳамма жамиятларда долзарб мазмун касб этиб келган. Барча тарихий даврларда «саломатликда инсонлар қиёфаси»ни ўрганиш ва ривожлантириб бориш, мазкур жамиятларнинг олдидаги долзарб масала ҳисобланган.

Айниқса ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар ижтимоий жараёнларда «ёш даврлари» билан боғлиқ масалаларни ўрганишга асосий сабаб бўлиб борган. Жамият миқёсида «ижтимоий ҳаёт» омилини шаклланиб бориши, унга йўналтирилган турли ижтимоий муаммоларни ҳам табиийки ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Социология соҳасида саломатлик муаммосини, мазкур фаннинг тармоқ йўналиши ҳисобланган «Саломатлик социологияси» фани ўрганади. У саломатлик муаммоларини ижтимоий уюшма, ёш авлодни ижтимоий ҳаётга кириб келиши ва унга нисбатан ижтимоийлашиб бориш хусусиятлари, катта авлод билим ва тажрибаларига нисбатан ворислик, ўзининг ҳаётий режаларини шакллантириш ва унга нисбатан йўналтирилган кадриятлар – жумладан касбий, ижтимоий мобиллик, турли гуруҳлар ичида ижтимоий ролларни ижро этиш ва кўникмаларни шакллантириш каби омилларни таҳлил этади.

Тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра – янги авлодни ижтимоий ҳаётга жалб этишдаги бир жараён бир вақтнинг ичида икки хил кўринишни акс эттиради. Биринчиси одамлардаги ижтимоийлашув ва иккинчиси жамиятдаги ювентизация. Табиийки биринчиси авлодлар ўртасидаги ворисликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўша, иккинчиси ижтимоий тараққиётни янгилаш учун кенг жамоатчиликдаги ҳаракатнинг ўзига хос ижодкорлигини ифода этишга бўлган уринишни ифодалаб беради. Ижтимоийлашувда «жамият-саломатлик» жараёни намоён бўлса, ювентизацияда «ёшлар-жамият-саломатлик» ҳолати ифода этилади.

Саломатлик масаласига таъриф беришда ундаги давр руҳи ёки демографик ҳолатлардан келиб чиқиб эмас, балки жамият учун хос бўлган ва унинг ёш кўрсаткичларини белгилаб берадиган сифатларга қараб баҳолаш муҳим саналади. Бу ҳолатда албатта саломатликнинг жамиятни бир қисми эканлигини эътироф этиш ва аҳолининг ўсиб бориш кўрсаткичидаги бир давр белгиси эканлигини унутмаслик лозим бўлади.

Кўплаб социологлар (Иконникова С. И., Боряз В. Н.) саломатликни ижтимоий ва тарихий фасллардан алоҳида ажратиб қараш керак эмас ҳамда уларни антропологик ва психологик хусусиятларга кўра чеклаб қўйган ҳолатда ўрганишни рад этадилар. Чунки саломатлик ҳамма даврлардаги каби объектив ижтимоий-табиий ўтиш даврини бошидан кечиради холос – деб ҳисоблайдилар. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, саломатлик тушунчасига таъриф бераётганда, умумий қилиб, уларнинг ижтимоий ҳаёт ва моҳиятни ҳиссий билиш жараёнидаги чегараларга тўхталиб ўтиш кифоя.

Ғарб социологиясида саломатлик муаммосини таҳлил этишда учта асосий ёндашув мавжуд бўлиб, муаммони белгилаб беришда асосий ёндашув предмети сифатида баҳоланади, булар: илк оиладаги тарбия жараёни ва турли ҳаракт турларидаги натижаларни акс эттиришга хос бўлган фрейдчилик кадриятлари (фрейдизм); одам хатти-ҳаракатларини вақтинчалик ҳолат деб ўрганадиган ижтимоий тизимларни (структуравий)

тахлил этадиган Парсон назарияси; бир авлоднинг иккинчи бир авлод билан ўрин алмашуви натижасида саломатлик муаммоси шаклланишидаги ижтимоий ўзгаришларга асосий урғуни қаратадиган К. Мангеймнинг генерацион таҳлил назариясидир.

Саломатлик масалалари айниқса, ёшлар муаммосини ўрганаётганда «субмаданият (субкультура) терминига алоҳида изоҳ берилади. Бу термин анъанавий маданиятдаги мавжуд меъёр ва қадриятларни негатив талқин этиш, ҳукм суриб турган маданият ичида ўзига хос ёшлар гуруҳларининг ўзига хос турмуш тарзи ва тафаккурини шакллантиришга бўлган интилиш асосида шаклланган меъёр ва одатлар тушунилади. Бу ҳолатни социологлар айрим жихатларидан келиб чиқиб «девиантлик» – ҳам деб изоҳлайдилар. Бу дегани мавжуд меъёр ва қадриятлардан четга оғиш деган маънони англатади. Социологияда девиант ёшларнинг «ноформаллар», «хиппи», «рокер», «металлист», «панки», «любер», «фан клуб фанатлари», «рок-маданият фидойилари» каби турлари фарқланиб, юқорида таъкидлаганимиздек, саломатликка таъсир ўтказувчи наркотик, алкоголь, тамаки истеъмол қилиш жараёнлар таъсирида бўлади.

Албатта девиантларга бир вақнинг ўзида салбий муносабат билдириш ярамайди. Шундан келиб чиққан ҳолатда уларни «фаол» ва «ёвуз» (агрессив) кайфиятдаги туркумларга бўлиб ўрганиш социология ва психология фанларида таклиф этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда саломатлик сиёсати масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этади ва у қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

1. спорт соҳасида ва бозор иқтисодиёти шароитида саломатликнинг янги дунёқараш ва тафаккурини шакллантириш;

2. кенг жамоатчилик орасида саломатликни тарғиб этувчи, замонавий ғояларни илгари суришга қаратилган жамиятнинг фаол кишиси бўлишга чақириш, янги хусусиятларга кўникмаларни шаллантириб бориш;

Шундай қилиб айтиш мумкинки, мамлакатда саломатлик социологияси фанини такомиллаштириб бориш, мавжуд ижтимоий муаммоларни олдини олиш учун долзарб аҳамият касб этади.

Библиографик рўйхат

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтаримиз. 1-ж. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.